
Янги йил бўсағасида Ўзбекистон туманида яна бир мактабгача таълим ташкилотининг янги биноси фойдаланишга топширилди

Янги йил байрами арафасида Ўзбекистон тумани “Кичик Тагоб” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 35-давлат мактабгача таълим ташкилоти учун 150 ўринли замонавий бино қуриб битказилди.

Муассасанинг фойдаланишга топшириш маросимида туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев ва сектор раҳбарлари, таълим соҳаси мутасаддилари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Дастлаб, 1974 йилда дала шийпони сифатида барпо этилиб, кейинчалик 1984 йилда собиқ жамоа хўжалигига қарашли болалар боғчаси сифатида иш бошлаган мазкур маскан мослаштирилган ва таъмирталаб бинода фаолият юритиб келган. Сўнгги вақтларда муассасада 130 нафар болалар тарбияланадиган эди.

Ушбу кўп йиллик муаммони бартараф этиш мақсадида унинг ўрнида 150 ўринли, 2 қаватли замонавий маскан барпо этилди. Инвестиция дастури доирасида бунёд этилган муассасанинг қурилиш ишларига З млрд 880 млн сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

2024-12-24 20:19:34